



7-Шахар клиник шифохонаси  
бош шифокори Муҳаммадиев К.Р.

«    » апрел 2022 йил

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР

Хизматлар кўрсатиш учун: 7-сон Шахар клиник шифохонаси учун 2022 йил давомида тиббиёт муассасалари учун мазали иссиқ овқат етказиб бериш аутсорсинг хизматлари кўрсатиш.

Буюртмачи: 7-сон Шахар клиник шифохонаси

Буюртмачи номидан жавобгар шахс: \_\_\_\_\_

Тошкент – 2022й.

- I. **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАР ТАНЛОВИ (ЭЯТТ) ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА**
- 1 Умумий қоидалар.
- 1.1 Ушбу Энг яхши таклифлар танлови – ЭЯТТ ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов мақсади: 7-сон Шаҳар клиник шифохонаси учун 2022 йил давомида тиббиёт муассасалари учун мазали иссиқ овқат етказиб бериш аутсорсинг хизматлари кўрсатиш. Манзил: Тошкент ш., Учтепа тумани, 11-мавзе, 34-уй
- 1.3 ЭЯТТ нинг энг сўнгги қиймати ҚҚС билан 547 745 100 (беш юз қирк етти миллион етти юз қирк беш минг бир юз ) сўм ҚҚС билан ташкил қилади.  
ЭЯТТ таклифида кўрсатилган нархлар энг сўнгги қийматдан ошиб кетмаслиги керак.  
Бажариладиган ишнинг техник вазифалари (хизматлар) ЭЯТТ ҳужжатларининг техник қисмида тақдим этилган.
- 2 ЭЯТТ ташкилотчилари
- 2.1 7-сон Шаҳар клиник шифохонаси ЭЯТТ буюртмачиси (бундан кейин “Буюртмачи”) ҳисобланади.  
Манзил: Юнусобод тумани, Гайратий-24  
Тел.: 71 – 224 89 33  
Факс: 71 – 224 89 33  
СТИР: 201 123 054  
Ҳ/Р: 23402000300100001010  
Банк: ТОШКЕНТ Ш., ОПЕРУ УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА  
МФ РУз  
МФО: 00014
- 2.2 Алоқага чиқувчи шахс: \_\_\_\_\_;
- 2.3 Комиссиянинг ишчи органи: 7-сон Шаҳар клиник шифохонасининг ЭЯТТ комиссияси (бундан кейин – “Ишчи орган”) ҳисобланади.  
Манзил: Тошкент, Гайратий-24
- 2.4 Шартнома эгаси: 7-сон Шаҳар клиник шифохонаси Давлат муассасаси
- 2.5 Танлов Буюртмачи томонидан тузилган, таркиби беш аъзодан иборат ЭЯТТ комиссияси томонидан ўтказилади.
- 3 ЭЯТТ иштирокчилари
- 3.1 Танловда мулкчилик шаклларида қатъий назар, ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин, 4.2. бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.
- 4 ЭЯТТ ўтказиш тартиби
- 4.1 ЭЯТТ да қатнашиш учун иштирокчи қуйидагиларни бажариши керак: а) ЭЯТТ шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган ЭЯТТ ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);  
б) ЭЯТТ ҳужжатлари талабларига мувофиқ таклиф юбориш.
- 4.2 Қуйидаги қатнашчилар ЭЯТТ да иштирок этишга қўйилмайди:  
- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлганлар;  
- “Буюртмачи” билан суд ёки ҳакамлик иши кўриб чиқилиши ҳолатида бўлганлар;  
- инсофсиз ижрочиларнинг Ягона реестрида қайд этилмаганлар;  
- имтиёзли солиқ имтиёзларини тақдим этадиган ва ёки молиявий операциялар ўтказилиш пайтида (оффшор зоналарда) маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни таъминламайдиган, давлат ёки ҳудудларида рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобварақларига эга бўлганлар.
- 4.3 Буюртмачи иштирокчини қуйидаги ҳолларда харид қилиш процедураларида иштирок этишдан четлаштиради, агар:

- кандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун таъсир кўрсатиш, қарор қабул қилиш ёки давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай танлов тартибини қўллаш мақсадида хизматни таклиф этса, бошқа ҳар қандай қиммабҳо буюм берса ёки беришга розилик билдирса;
- иштирокчи адолатсиз рақобат устунлигига эга бўлса ёки қонунни бузишда манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.
- 5 **ЭЯТТ таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби**
- 5.1 Порталда эълон қилинган ЭЯТТ иштирокчилари эълонда белгиланган тартибда таклифлар такдим этадилар.
- 5.2 ЭЯТТ иштирокчиси:
- такдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгар бўлади;
  - фақат бита таклифни такдим этишга ҳақлидир;
  - такдим этилган таклифни бундай таклифларни такдим этиш муддатида нолдин қайтариб олишга ҳақлидир.
- 5.4 ЭЯТТ иштирокчисига қўйиладиган талаблар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:
- ЭЯТТ қийматининг камида 10% миқдорида айланма маблағларга эга бўлиш (Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2021 йилдаги 55-сонли қарорининг 29-банди);
  - хусусий ёки ижарага олинган техник базага эга бўлиш;
  - тегишли мутахассисларга эга бўлиш;
  - Тиббиёт муассасалари учун камида 2 йил давомида тўқимачилик буюмларини ювиш бўйича профессионал аутсорсинг хизматлари бажарилиши бўйича умумий тажриба.
- Нарх таклифи бўйича мажбурий ҳужжатларнинг мавжудлиги:
- нархлар таклифи ва тегишли маълумотлар базасининг мавжудлиги.
- 6 **Таклифларни такдим этиш муддатининг узайтирилиши**
- 6.1 Зарурат туғилган ҳолларда, буюртмачи таклифларни такдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек комиссия қарори билан ЭЯТТ иштирокчиларига ўз таклифларининг амал қилиш муддатини маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.
- 6.2 ЭЯТТ гатаклифлар такдим этиш муддатларини узайтириш тўғрисидаги эълонлар махсус ахборот порталига жойлаштирилади.
- 7 **Ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш**
- 7.1 Зарурат туғилган ҳолларда, буюртмачи ЭЯТТ ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.
- Таклифлар бериш муддати якунида ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, ЭЯТТ ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб камида ўн кунга узайтирилади.
- Шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида, агар эълонда кўрсатилган маълумотлар ўзгартирилган бўлса, ЭЯТТ ўтказилиши тўғрисидаги эълонга ҳам ўзгартиришлар киритилади.
- 8 **ЭЯТТ ни баҳолаш тартиби ва мезонлари**
- 8.1 ЭЯТТ иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар такдим этиш муддати тугаганидан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.
- 8.2 Комиссия ушбу ҳужжатда кўрсатилган мезонлар асосида ЭЯТТ ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади.
- 8.3 ЭЯТТ иштирокчиси томонидан такдим этилган ҳужжатларда мавжуд маълумотларнинг ишончсизлиги аниқланган ҳолларда, комиссия бундай иштирокчини ЭЯТТ да иштирок этишини тўхтатишга ҳақлидир.
- 8.4 Таклифларни баҳолаш ва ЭЯТТ ғолибини аниқлаш ЭЯТТ ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва қуйидаги балларни баҳолаш асосида амалга оширилади:
- ҚД малака қисми техникасининг миқдорий кўрсаткичи – 60%
  - ҚД нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичи 40% ни ташкил этади.